

СУД КОМПЮТЕР – ТЕХНИКАВИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК.

Суюнов Шахзодбек Шовкатович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
“Тергов фаолияти” кафедраси ўқитувчиси

Абдурашидов Бекзод Ибрагим ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
3-босқич курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11144983>

Аннотация: Мазкур мақолада суд-компьютер-техникавий экспертизанинг аҳамияти, бу турдаги экспертиза соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг бугунги кундаги ҳолати ва соҳани ривожлантиришдаги ўрни таҳлил қилинган. Шунингдек, суд-компьютер-техникавий экспертиза фаолиятини тартибга солишда хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил этилиб, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари атрофлича ўрганилган.

Калит сўзлар: экспертиза, халқаро ҳуқуқ, ўзаролик принципи, далил, ахборот-технологиялари, суд-компьютертехникавий экспертиза.

Аннотация: В данном статье рассматривается важность судебной компьютерно-технической экспертизы, настоящее состояние и перспективы международного сотрудничества в этой области экспертизы. А также, проанализирован опыт зарубежных стран в области регулирования судебной компьютерно-технической экспертизы, а также изучено вопросы совершенствования законодательства в этой области.

Ключевые слова: экспертиза, международное право, принцип взаимности, доказательств, информационная-технология, судебной компьютерно-технической экспертиза.

Annotation: In this article studied the importance of forensic computer-technical expertise, the current and prospects of international cooperation in this area of expertise. Also analyzed the experience of foreign countries in the field of regulation of forensic computer-technical expertise and also studied the issues of improving legislation in this area.

Key words: expertise, international law, principle of reciprocity, evidence, information-technology, forensic computer-technical expertise

Маълумки, суд-экспертиза фаолияти жиноятларни тўғри классификация қилиш ва уларни ўз вақтида фош этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашда алоҳида рол ўйнайди. Бу ҳақидаги қондалар БМТнинг "Суд-экспертиза соҳасидаги

халқаро ҳамкорлик" резолюциясида ҳам қайд этилган. Сўнги ўн йилликда экспертиза фаолиятига бўлган талаб бутун дунё миқёсида сезиларли даражада ортди. Ахборот технологияларининг ривожланиши, оқибатда жиноятни содир этишнинг янги ва мураккаб усул ва воситалари қўлланилаётганлиги ушбу соҳани доимий ривожлантириб бориш зарурлигини кўрсатмоқда¹. Шу жиҳатдан олиб қараганда, барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар суд-экспертиза фаолиятининг доимий такомиллаштирилиб бориши, юқори малакали суд-экспертлари тайёрлаш ва ушбу соҳага хорижий тажриба ҳамда халқаро стандартларни жорий қилишдан манфаатдордир. Дарҳақиқат, суд-экспертиза соҳасидаги халқаро ҳамкорлик доим муҳим аҳамиятга эга бўлиб келаётган масалалардан биридир. Чунки ушбу соҳада халқаро алоқаларнинг йўлга қўйилиши, биринчи галда маҳаллий одил судловни та'минлашга ҳамда суд-экспертиза фаолиятининг ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади. Бугунги глобаллашув шароитида, мобил алоқа ва компьютер ахборот технологиялари жиноят предмети ва воситасига айланиб улгурган. Компютер технологиялари соҳасида содир этилган жиноятларни тергов қилиш давомида тўпланган далиллар, махсус билимга эга бўлган экспертлар томонидан текшириш ва баҳо беришни талаб этади. Бу жараён ўз навбатида суд-компютер-техникавий экспертиза доирасида амалга оширилади. А.Л.Осипенко та'кидлаганидек, ахборот тармоқларида содир этилган жиноятларнинг ўзига хослиги уларни исботлаш жараёнида ва сифатида намоён бўлиб, ҳолат бўйича кўриниб турган ма'лумотларни ўз вақтида расмийлаштирмаслик натижасида бошқа одатдаги исботлаш усуллари ва далиллардан фойдаланишга мажбур бўлишга олиб келади². Суд-компютер-техникавий экспертиза ҳақида сўз кетганда унинг шахсий компютерлар фуқаролар томонидан ишлатила бошлангандан кўп ўтмай, 1980 йилда "дунёга келган"лигини таъкидлаш жоиз. 1984 йил АҚШ ФҚБда Магнетик Медиа Програм деб номланган махсус дастур яратилди. Кейинчалик, ушбу дастур асосида "Компютер таҳлили ва жавоб бериш гуруҳи" деб номланувчи хизмат ташкил этилди. АҚШ Солиқ бошқармаси (Интернал Ревенуе Сервисе - ИРС) жиноят-қидирув бўлимида 90-йилларнинг ўрталарига

¹ Хавлла Х.М., Хасан Х.А. Международное сотрудничество в рамках развития института судебной экспертизы (Khavla Kh.M., Khasan Kh.A. International cooperation in the development of the institute of forensics). <http://www.cyberleninka.ru>

² Осипенко А.Л. Борьба с преступностью в глобальных компьютерных сетях: (Международный опыт): Монография. – М., 2004, - P,326 (Osipenko A.L. Fighting crime in global computer networks: (International experience): Monograph. - M., 2004. - P. 326).

қадар фаолият юритган махсус агенти америкалик Майкл Андерсон (Мичаел Р.Андерсон) судкомпютер-техникавий экспертизанинг "отаси" сифатида баҳоланади. Кейинчалик у суд компютер-техникавий экспертиза соҳасида йирик "Течнологиеc Инс" компаниясига асос солди³.

Бошқа соҳалар каби суд экспертиза, жумладан, суд-компютер-техникавий экспертиза соҳасини ҳам фақатгина бир мамлакат доирасида ривожлантириб бўлмайди. Бунда турли давлатларнинг суд экспертизаси соҳаси мутахассислари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

Суд-компютер техникавий экспертиза соҳасидаги халқаро ҳамкорликни амалга оширишнинг қуйидаги шакллари фарқланади:

-халқаро ҳуқуқ нормалари, халқаро шартномалар ва миллий қонунчилик билан тартибга солинадиган халқаро ҳамкорлик (масалан, ваколатли органлар томонидан фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғ'рисидаги шартнома доирасида суд-экспертиза фаолиятидаги ҳамкорлик);

-суд-экспертиза фаолиятини амалга оширишда ўзаролик принципи асосидаги халқаро ҳамкорлик (бунда чет эл суд-экспертиза муассасига суд-экспертизанинг аниқ бир тури бўйича ўзаролик принципи бўйича ёрдам берилганда, хорижий суд-экспертиза муассаси шунга ўхшаш ҳолатда маҳаллий суд-экспертиза идорасининг сўровига асосан тегишли суд экспертиза фаолиятини амалга ошириб бериш тўғ'рисидаги ва'даси билан тасдиқланади);


-суд-экспертиза фаолиятини техник, илмий-методик жиҳатдан та'минлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик (суд-экспертиза муассасаларининг халқаро бирлашмаларини ташкил этиш, халқаро конференция, симпозиум ва семинарлар ўтказиш, суд-экспертларнинг халқаро суд-экспертиза муассасаларида стажировкаларини ташкил этиш ва ҳ.к.). Биргина суд-экспертиза фаолиятини техник, илмий-методик жиҳатдан та'минлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик йўналиши ҳақида гапирганда, 1993 йилда компютер далиллари бўйича биринчи халқаро конференция (Фирст Интернационал Сонференсе он Сомпутер Эвиденсе) бўлиб ўтганлигини алоҳида та'кидлаш лозим. 1998 йилга келиб, суд-компютер-техникавий экспертиза масалалари Интерполнинг суд-экспертиза илмига бағ'ишланган симпозиумида муҳокама қилиниб бўлинди. 2000 йилда Сан-Диегода АҚШ ФҚБнинг биринчи минтақавий

³ Хазиев Ш.Н. Международное сотрудничество в области судебной компьютерно-технической экспертизы ((Khaziev S.N. International cooperation in the field of forensic computer technical expertise). <http://www.cyberleninka.ru>

суд-компьютер лабораторияси ташкил этилди. Қолаверса, Суд-компьютер экспертиза бўйича Жаҳон Форуми (Сомпутер Форенсисс Ворлд) ҳам суд-компьютер-техникавий экспертлари учун ўзига хос мулоқот майдонига айланиб улгурган. Шунингдек, суд-компьютер-техникавий экспертизанинг замонавий методик ва техник воситалари ривожига сўнгги вақтларда ташкил этилган компьютер суд-эксперт тадқиқотлари соҳасидаги қуйидаги халқаро бирлашмалар улкан ҳисса қўшган: Халқаро компьютер тадқиқотлари ассотсиатсияси, Ахборот ва суд-экспертизаси хавфсизлиги жамияти, Компьютер бўйича халқаро суд экспертлари жамияти, Халқаро ахборот суд-экспертизаси ассотсиатсияси, Европа суд-экспертиза муассасалари тармоғ'ининг ахборот суд-экспертиза бўйича ишчи гуруҳи, шунингдек, Интерпол ва Европолнинг суд-компьютер-техникавий бўлинмалари. Халқаро компьютер тадқиқотлари ассотсиатсияси (Интернационал Ассоциатсион оф Сомпутер Инвестигативе Спесиалистс - ИАСИС) - бу тоифадаги суд-экспертларини халқаро жиҳатдан бирлаштирган илк ташкилот ҳисобланади. 1990 йилда тузилган ушбу ташкилотда таркибига бугунги кунда 49 та давлат вакиллари суд-компьютер-техникавий экспертларни сертификатлаштириш борасида самарали фаолият олиб бормоқда.

Рақамли технологиялар, кибержиноятчиликка қарши кураш ва суд-компьютер-техникавий экспертиза фаолиятини методик жиҳатдан та'минлашда Жаҳон политсия ташкилоти - Интерполнинг алоҳида ўрни бор. 2008 йили Интерпол таркибида ушбу масалаларга ихтисослашган таркибий тузилма (Интерпол сомпутер форенсис аналйсис унит) ташкил этилди. Ушбу тузилмага судкомпьютер-техникавий экспертиза соҳасида халқаро ҳамкорликни таъминлаш, тегишли судэкспертларни тайёрлаш ишларини мувофиқлаштириш каби муҳим вазифалар юклатилган. Шунингдек, Компьютер (рақамли) далиллари халқаро ташкилоти (Интернационал Организатсион он Сомпутер Эвиденсе - ИОСЕ) ҳам ушбу соҳадаги ахборот технологияларига оид далилларни баҳолаш борасида халқаро ҳамкорликни та'минлашда алоҳида ўрин тутди. Мазкур халқаро ташкилотлар турли мамлакатларнинг суд-компьютер-техникавий экспертиза соҳаси мутахассислари ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, дунёдаги етакчи суд экспертиза муассасалари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

**СУД КОМПЬЮТЕР-ТЕХНИКАВИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО
ҲАМКОРЛИК МУАММОЛАРИ**



- ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш;
- тажриба алмашиш, соҳа қонунчилигини такомиллаштириш;
- сифат жиҳатдан халқаро стандартларга жавоб берадиган лабораторияларни аккредитациядан ўтказиш;
- экспертларни анъанавий ва янги экспертизалар соҳасида лабораториялараро малакавий тест синовларидан ўтказиш;
- суд экспертизасининг мазкур тури бўйича илмий-услубий адабиётлар билан алмашиш,
- давлат суд экспертиза муассасалари ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш,
- экспертларнинг ваколат доирасини белгилаш, малака ошириш курслари ва семинарларида иштирок этишини таъминлаш.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш эса, суд-ҳуқуқ тизимида узвий бўлаги бўлган суд экспертизаси, хусусан, суд-компьютер-техникавий экспертиза фаолиятини такомиллаштириш, экспертизаларнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Суд-компьютер-техникавий экспертиза соҳасида халқаро лойиҳаларни амалга ошириш ҳам халқаро ҳамкорликни таъминлашнинг муҳим таркибий элементларидан биридир. Ушбу фаолият турли динамик омиллар таъсири остида ривожланиб, давлат ва нодавлат суд-экспертиза муассасалари ўртасида халқаро алоқаларни ривожлантиришга, илмий асосланган фаолиятни ташкил этишга кўмаклашади. Ушбу турдаги экспертиза соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун биринчи галда суд-компьютер-техникавий экспертизани амалга оширувчи муассасалар ва суд-экспертларининг халқаро бирлашмалари ҳамда хорижий суд-экспертиза муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигининг самарали моделини яратиш лозим.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, суд-экспертлик фаолияти самарадорлигини янада ошириш, ушбу соҳани замонавий, юқори аниқликдаги таҳлил воситалари билан жиҳозлаш орқали одил судловни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мамлакатимизда ҳам жаҳон андозаларига мос суд экспертизасини ўтказиш ва такомиллаштиришнинг норматив-ҳуқуқий асослари яратилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2019 йил 17 январдаги "Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4125-сонли Қарори суд-экспертлик фаолиятини жадал ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий

механизмларни яратишга хизмат қилмоқда. Мазкур Қарор билан нодавлат суд-экспертиза ташкилотларини ташкил этиш белгиланиб, уларга суд экспертизаларининг айрим турларини (44 та) ўтказиш ҳуқуқи берилди. Хусусан, эндиликда суд-компютер-техникавий экспертиза ҳам, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Нодавлат судэкспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғ'рисида"ги Қарори лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирда мазкур лойиҳа жамоатчилик ўртасида қизг'ин муҳокама қилинмоқда. Ушбу ҳужжат билан "Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғ'рисида"ги Низом тасдиқланиши кутилмоқда. Мазкур Низомда нодавлат суд-экспертиза ташкилоти республиканинг барча ҳудудларидан, шунингдек, хорижий мамлакатлардан олинган буюртмалар асосида суд экспертизасини амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилган. Бу ўз навбатида нодавлат суд-экспертиза муассасаларининг халқаро суд-эспертиза жараёнига интегратсиялашувини та'минайди. Шу мақсадда халқаро ҳамкорликнинг бошқа турларини ҳам мазкур Низомда белгилаш мақсадга мувофиқ.

Яна бир муҳим томони шундаки, мазкур қарор билан 2019-2020 йилларда "Судекспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси" ҳам тасдиқланган бўлиб, унда суд-экспертлик фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича аниқ чоратадбирлар амалга оширилиши лозимлиги белгиланган. Чунончи, Бутунжаҳон суд экспертлари ассотсиатсиясига (ИАФС) а'зо бўлиш масаласини ишлаб чиқиш, етакчи суд-экспертиза, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан меморандумлар, ўзаро ҳамкорлик битимлари тузиш, қўшма дастурларни амалга ошириш ва бошқалар шулар жумласидандир. Шунингдек, мамлакатимизда суд-экспертиза фаолиятига халқаро стандартларни жорий қилиш, хусусан, лабораторияларни халқаро ИСО/ИЕС 17025 талаблари асосида аккредитатсиядан ўтказиш орқали бу борадаги халқаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариш мумкин. Юқоридаги вазифаларнинг амалга оширилиши орқали мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги суд-экспертиза доираларда позитсиясини мустаҳкамлашга эришилади. Бу эса ўз навбатида, суд-компютер-техникавий экспертиза институтлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро суд-экспертиза соҳасида умумий ахборот маконин

яратиш, суд-компютер-техникавий экспертиза соҳасидаги халқаро стандартларни ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади. Хулоса қилиб айтганда, суд-компютер-техникавий экспертиза соҳасида халқаро ҳамкорликнинг таъминланиши ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини юқори даражада илмийтехник ва инновацион жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, бу турдаги экспертлар фаолиятининг самарадорлиги ошишига ва экспертиза сифатининг янги босқичга кўтарилишига, халқаро миқёсида ушбу соҳада тўпланган амалий тажриба ва илмий натижаларнинг ўзаро алмашинувига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хавлла Х.М., Хасан Х.А. Международное сотрудничество в рамках развития института судебной экспертизы (Кхавлла Кх.М., Кхасан Кх.А. Интернационал сооператион ин тхе девелопмент оф тхе институте оф форенсисс). ҳттп://www.сйберленинка.ру
2. Осипенко А.Л. Борьба с преступностью в глобальных компьютерных сетях: (Международный опыт): Монография. – М., 2004, - Р.326 (Осипенко А.Л. Фигҳтинг сриме ин глобал сомпутер нетворкс: (Интернационал эхпереиенсе): Монографх. - М., 2004. - П. 326).
3. Хазиев Ш.Н. Международное сотрудничество в области судебной компьютерно-технической экспертизы ((Кхазиев С.Н. Интернационал сооператион ин тхе фиелд оф форенсис сомпутер течнисал эхпертисе). ҳттп://www.сйберленинка.ру
4. Б.Б.Муродов. Жиноят-процессуал қонун нормаларини эркинлаштириш йўллари // Олий юридик ўқув юртларида инсон ҳуқуқлари муҳофазасини таъминловчи фанларнинг ўқитишнинг замонавий муаммолари. Тошкент. Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети. – 2009. Б. 66-69.
5. Б.Б.Муродов. Жиноят-процессуал муносабатларда ҳимоячининг иштироки // “Адвокатлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. ЎзР Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти. – Тошкент, 2010. Б. 171-175.
6. Б.Б.Муродов. Хусусий айблов институтини қўллаш самарадорлигини ошириш йўллари // Хусусий айблов ва ярашув институтларини такомиллаштириш чоралари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й. Б. 34-40.

7. Qushboqov S., Tilabov S. Axborot xavfsizligi hamda muhofazasi ta'minlashda huquqbuzarlik profilaktikasining roli //Science and innovation in the education system. – 2023. – T. 2. – №. 11. – С. 45-47.
8. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.
9. Қушбоқов, Ш., & Самадов, М. (2023). Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими. Solution of social problems in management and economy, 2(13), 95-98.
10. Қушбоқов, Ш., & Самадов, М. (2023). Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўрни. Science and innovation in the education system, 2(13), 73-76.
11. Алтмишев Т., Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлаш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. Special Issue. – С. 112-114.
12. Qushboqov, S. (2023). Jazoni ijro etish muassasalarining yuridik shaxs sifatidagi tushunchasini yoritishda nazariy tahlil. Центральноазиатский журнал образования и инноваций, 2(2 Part 2), 49-52.
13. Қушбоқов, Ш., & Турниёзов, Ж. (2023). Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истиқболи. Development of pedagogical technologies in modern sciences, 2(2), 49-55.
14. Қушбоқов Ш. Юртимизда тадбиркорликни жазони ижро этиш тизимидаги истиқболи //Models and methods in modern science. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 114-117.
15. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 58-63.
16. Qushboqov S., Mamatova D. yangi o'zbekistonda huquqbuzarlik profilaktikasining o'rnini //current approaches and new research in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 37-39.

